

ЃЎЗАНИ СУЃОРИШ БЎЙИЧА ТАВСИЯЛАР

Суғориш режими дейилганда тупроқ шароити ва ўсимликни талабига қараб белгиланадиган суғоришлар сони, муддатлари, усуллари, бир марта ва бир мавсумдаги бериладиган жами сув нормалари йиғиндиси тушунилади.

Ѓўзанинг сувга талаби ўсиш фазасига кўра ўзгариб боради. Ҳароратнинг кўтарилиши ва нисбий намликнинг пасайиши билан сувга бўлган талаби ортиб боради. Шунинг учун кўсакларнинг кўпайиши ва яхши ривожланишини таъминлашда тупроқ намлигини бутун вегетация давомида оптимал даражада сақлаб туриш керак. Тез-тез суғоришлар натижасида тупроқ намлиги нормадан ортиб кетса ингичка толали ғўзаларда ўсиш жараёни кучайиб кетади. Бу эса ўз навбатида ғуза тупларининг йўғонлашишига олиб келади, натижада ортиқча соя туфайли ўсимлик қуёш нури ва иссиқликдан етарли даражада фойдаланилмайди.

Маълумки, Р.Р.Шредер ғўзанинг вегетация давомида сувга бўлган талабини уч даврга: гуллашгача ва гуллаш-кўсак тугиш ва пишиш даврига бўлади. Унинг аниқлашича сувнинг максимал миқдори иккинчи, яъни ғўза гуллаш-кўсак тугиш даврида берилиши керак. Бу даврларда сув сарфи 1:3:1 нисбатида бўлади ва шунга мувофиқ 1-3-1 суғориш схемаси тавсия қилинган.

Ѓўзанинг суғориш режимини турли факторлар туфайли табақаланиши тупроқ-мелиоратив районлаштириш асосида тузилган гидромодуль районлаштиришда янги тўлароқ аксини топган. Қишлоқ хўжалигида амалда қўлланилаётган гидромодуль районлаштириш Ўзбекистон пахтачилик илмий тадқиқот институти олимлари томонидан тузилган.

Сизот сувлари 2-3 метр чуқурликда жойлашган майдонларда ингичка толали ғўзани 5-6 марта суғориш керак. Биринчи суғоришни гектарига 700-800 куб.м нормада ғўза гуллашгача одатдаги йилларда 10-15 июнда, ҳаво иссиқ ва қуруқ келган йилларда эса 1-5 июнда ўтказиш лозим. Ѓўзани гуллаш-кўсак тугиш даврида гектарига 900-1100 куб.м нормада 3-4 марта суғориш зарур. Суғоришлар ўртасидаги давр июнь-июлда 18-20 ва августда 20-22 кунни ташкил этади. Охириги суғоришни эса гектарига 800-900 куб.м нормада сентябр ойининг бошларида ўтказиш даркор. Бу шароитда мавсумий сув бериш нормаси гектар бошига 5000-5500 куб.м бўлиши тавсия этилади.

Суғоришнинг оддий усуллардан бири эгатлар орқали суғоришдир. Бу усулда сув эгатларга алоҳида, жилдиратиб таралади ва вегетация охириги бориб тупроқ ўзининг сув-физик хоссаларини бостириб ёки ёппасига суғоришга қараганда яхши сақлаб қолади. Шунинг учун ҳам суғоришнинг бу усули республикамизнинг пахта экиладиган барча хўжаликларида кенг тарқалган.

Сувнинг эгатларга тарқатилиши суғориш техникасига боғлиқ, Суғориш техникаси деганимизда эгатлар узунлиги, кенлиги ва ҳар бир эгатда оқизиладиган сув миқдори тушунилади. Суғориш техникасини танлаш рельефга ва суғориш участкаси юзасининг қиялигига, сизот сувларининг жойлашиш чуқурлигига, тупроқнинг механик таркиби ва сув сингдирувчанлик қобилиятига боғлиқ..

Суғориш участкасининг қиялига ҳамда тупроқнинг механик таркибига кўра эгатлар узунлиги ва бир эгатга оқизиладиган сув миқдори 1-жадвалда кўрсатилган.

1-жадвал – Тупроқнинг сув сингдирувчанлиги ва бир эгатда оқизиладиган сувнинг тахминий миқдори
(В.Е.Еременко маълумотлари)

Участка юзаси қиялиги	Тупроқни сув сингдирувчанлиги	Эгатлар узунлиги, м	Оқим миқдори, л/сек	
			1-2-3 суғоришларда	кейинги суғоришларда
Катта (0,02-0,01)	кучсиз	120-150	0,1-0,2	0,05-0,15
Ўртача (0,01-0,005)	“-“	110-120	0,3-0,5	0,15-0,25
Кичик (0,005-0,001)	“-“	100-110	0,5-0,7	0,25-0,30
Катта (0,02-0,01)	ўртача	110-120	0,2-0,4	0,10-0,20
Ўртача (0,01-0,005)	“-“	100-110	0,4-0,6	0,20-0,25
Кичик (0,005-0,001)	“-“	80-100	0,5-0,8	0,25-0,30
Катта (0,02-0,01)	юқори	80-100	0,4-0,7	0,20-0,30
Ўртача (0,01-0,005)	“-“	60-70	1-1,7	0,25-0,40
Кичик (0,005-0,001)	“-“	60-70	1-1,2	0,40-0,50

Эгатларга бериладиган сув оқимини яхшироқ бошқариш учун учбурчак кесимли тахтачалар, найсимон қувурлар, қоғоз ва бошқа мосламалар ишлатилади. Енгил тупроқларда эгатлар узунлиги 100-120 м бўлганда биринчи ва охири суғориш 12-14 соатдан, иккинчи ва кейинги суғоришлар 20-24 соатдан ортиқ давом этмаслиги керак. Оғир тупроқларда эса эгатлар узунлиги 150-200 м бўлганда суғориш муддатига кўра у 20 соатдан 40 соатгача давом этиши мумкин.

Айрим тадқиқотчилар сувдан тежаб фойдаланиш ва тупроқнинг сув-физик хоссаларини сақлаб қолиш мақсадида биринчи ва охири сувни қатор оралатиб ўтказишни таклиф этадилар. Бу масалани ўрганиш мақсадида биз механик таркиби ўртача қумоқ ва қиялиги кичик, янгидан суғориладиган тақир тупроқларда дала тажрибалари олиб бордик. Унда сизот сувлари унча чуқур жойлашмаган (1,5-2,5 м) тупроқнинг сув сингдириш қобилияти юқори бўлган майдонларда қатор оралатиб суғориш тупроқнинг сув-физик

хоссаларининг яхши сақланишга имкон яратиши маълум бўлди. Шу билан бирга пахтанинг ҳосилдорлиги биринчи ва охириги суғориш қатор оралатиб ўтказилган вариантда, суғориш бутун вегетация давомида ҳар бир қатордан ўтказилган участкага нисбатан гектарига 1,6 центнерга кўпайди. Шуларни ҳисобга олиб янгидан суғориладиган сахро тупроқлари шароитида сизот сувлари яқин жойлашган (1-2 м), яхши сув сингдириш қобилятига эга бўлган тупроқларда гуллашгача ва кўсак пишиши давомида суғоришни қатор оралатиб ўтказишни тавсия қиламиз. Бунда сувчиларнинг меҳнат унумдорлиги суғориш ҳар бир қатордан ўтказишга нисбатан 1,5-1,8 марта ортади.

Суғориш ғўза агротехникасида энг кўп меҳнат талаб қиладиган ва энг кам механизациялашган жараёндин. Уни ўтказиш учун умумий меҳнат сарфининг 15-25 проценти сарфланади. Чунки ғўзани суғориш деярли қўл кучи билан ўтказилади. Сувчилар меҳнати жисмонан оғир ва кишини ўзига жалб қилмайди. Бу нарса пахта майдолари айникса, ишчи кучи етишмайдиган кўриқ районларда жиддий тўсиқ бўлиб келмоқда. Кўп меҳнат талаб қилиниши туфайли суғоришлар тавсия қилинган муддатлардан анча кеч ўтказилади. Кечиктериб ва катта нормаларда ўтказилган суғоришлар нафақат ҳосилнинг камайишига, балки сувнинг ортиқча сарфланишига сабаб бўлади, тупроқнинг сув-физик хоссалари ва ерларнинг мелиоратив ҳолати ёмонлашувига олиб келади.